

يَتُّمُّ أَيْلَعٌ قُشًّا نَأْ أَلْوَلِ
أَذَكَهَ أَهْوَلَصِي نَأْ مُهْتَرَمَ أَلِ
يُذِمُّرَّتْ لَأَوْ ؕ ثَالِثُ لَأَوْ هَ أَوْرِ
يَلَعٌ قُشًّا نَأْ أَلْوَلِ : هُ ظُفَلَوِ
أَوْخِوِي نَأْ مُهْتَرَمَ أَلِ يَتُّمُّ أِ
وَإِلِّي لَأَوْ ثُلُثِ يَلِ إِءِ شَعْلِ
بِهِ فُصْنِ

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Хуфтон намозини кечанинг ярмигача суриб, кейин ўқидилар. Сўнгра:

«Батаҳқиқ, одамлар намозни ўқиб, ухладилар. Аммо сизлар, модомики намозга интизор бўлиб турдингизми, намоздасизлар», дедилар».

Бошқа ривоятда:

«Агар умматимга машаққат бўлишини ўйламаганимда, шундай қилиб ўқишларига амр қилган бўлар эдим», дедилар».

Учовлари ва Термизий ривоят қилганлар.

Термизийнинг ривоятида:

«Агар умматимга машаққат бўлишини ўйламаганимда, уларга Хуфтонни кечанинг учдан биригача ёки ярмигача орқага суришни амр қилган бўлар эдим», деганлар».

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Гоҳида Хуфтонни ярим кечада жамоат билан ўқиш мумкинлиги.
2. Намозга интизор бўлиб турган одам намозда тургандек эканлиги.
3. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз умматларига машаққатни хоҳламаганликлари.
4. Имкон бўлганда Хуфтонни ярим кечада ёки кечанинг учдан бири қолганда ўқиш афзал эканлиги.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ عَزْرَبِ يَبَا نَع
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصَّ يَبْنَلَا نَأ
مُونَلَا هَرْكَ يَنَّاكَ مَلَّسَو
ثِي دَحْلَاوَءَ شَعْلَا لُبَق
نَاخِي شَلَا هَاوَر. اَهْدَعَب
يِ ذِمَّرْتَلَاو

Абу Барза розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Хуфтондан олдин ухлашни ва ундан кейин гаплашишни хуш кўрмас эдилар».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Абу Барза розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Абу Барза куняси билан машҳур бўлган бу саҳобанинг асл исмлари Назла ибн Убайд бўлиб, Басрада туғилганлар.

Исломга кирганларидан кейин Хайбарда, Хунайнда, Макканинг фатҳ этилишида иштирок этдилар.

Сиффийн ва Наҳавон урушларида Али розияллоҳу анҳу билан бўлганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳаммаси бўлиб, 46та ҳадис ривоят қилдилар. Бу зотдан Ҳасан Басрий, Абу Усмон Наҳдий, Абдуллоҳ ибн Бурайда ва бошқалар ривоят қилганлар.

Абу Барза ҳижрий 65-санада Язийд ибн Муовия даврида вафот этдилар.

Бу ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Хуфтон намози билан боғлиқ бўлган икки одатлари ҳақида сўз бормоқда.

1. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Хуфтондан олдин ухлашни хуш кўрмас эканлар. Чунки ухлаб қолиб, намоз вақти ўтиб кетиш хавфи бор.

2. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Хуфтондан кейин гаплашиб ўтиришни хуш кўрмас эканлар. Чунки бунда кунни яхши амал билан тамомлаш имкони зое бўлади. Шунинг учун ҳам аҳли солиҳ кишилар витр намозини уйқудан олдин ўқишга уринадилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди